

Қуръони Карим 143-дарс. «Фи риҳабит-тафсир» ва «Ҳидаятул-баян фи тафсирил-Қуръан»



17:00 / 29.06.2021 2969

«Фи риҳабит-тафсир» – Абдулҳамид Кишк

Шайх Абдулҳамид Кишк бу тафсирни ёзишни 1981 йилда бошлаган. Ёзиб битирилган жузларни нашрга бериб, қолганларини ёзишда давом этаверган.

Тафсирнинг муқаддимасида Қуръони Каримга оид кўпгина фойдали маълумотларни келтирган. Кейин сураларни тафсир қилишни бошлаган. Ҳар бир сурага унинг ҳақидаги алоҳида маълумотларни қўшиб, муқаддима қилган. Суралар орасидаги боғланишлар ҳақида ҳам баҳс юритган. Бир мавзудаги оятлар мажмуасига алоҳида сарлавҳа қўйган.

Шайх Абдулҳамид Кишк ўз тафсирида жуда кўп маълумотларни келтирган. Бу тафсир катта ҳажмда, саккиз жилдда чоп этилган. Биринчи жилднинг ўзи минг бетдан кўп бўлган.

«Ҳидаятул-баян фи тафсирил-Қуръан» – Рошид Абдуллоҳ Фарҳон.

Муаллиф билан бўлган шахсий суҳбатда у киши бу китобни аввал девонияда одамларга тақдим қилганини, кейин эса китоб шаклида чоп этилганини айтиб ўтган эди. «Девония» Кувайтга хос сўз бўлиб, биздаги баъзи кишиларнинг улфат бўлиб, уйларида навбат билан ўтказадиган суҳбатларига ўхшаш мажлис у ерда шундай аталади. Фарқ шундаки, уларда бир киши уйда девония очилганини эълон қилади ва маълум кунларда кишилар мазкур девонияга келадилар. Рошид Абдуллоҳ Фарҳон жаноблари Қуръони Каримни ўз девониясига келган кишиларга тафсир қилиб берган.

Муаллиф муқаддимада ўз тафсирини ўртача қилишни, унинг олимга ҳам, илм толибига ҳам мос бўлишини ирода қилганини таъкидлаган.

Рошид Абдуллоҳ Фарҳон жаноблари ўз тафсирида изоҳга эҳтиёжи бор ҳар бир сўзни шарҳлашга ҳаракат қилган. Бунда араб тили луғат илми уламоларининг гапларидан кенг фойдаланган. Шунингдек, сўзларнинг балоғат ва фасоҳат, эъробга тегишли жойларини ҳам баён қилган.

Муаллиф ўз китобида қироатларга оид маълумотларни ҳам ўз ўрнида тушунтириб кетган. Оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳам баён қилинган. Шахслар ва маконларнинг номлари ҳам шарҳланган. Фикҳий масалаларга ҳам керагича аҳамият берилган.

Рошид Абдуллоҳ Фарҳон жаноблари ўз тафсирларини ёзишда кўплаб мўътабар манбалардан фойдаланганлар.

Китоб 1993 йилда тўрт жилдда чоп этилган.

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди